



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ДАВР САДОСИ Барча мабаладан олинган сўнги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 29 (9.221) 1999 йил 15 март, душанба Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТ НАВРЎ АРАФАСИДА

Наврў — умумхалқ байрами тантаналарининг асосий қисми ўтайдиган...

БАРАЛЛА ЯНГРАСИН АЛЁР



Наврў — халқимиз тарихидаги энг қадимий, энг ардоқли байрамлардан биридир...

қадр-қиммати, ҳурмат-иззати жуда баланд бўлган. Қадимги Марказий Осиё...

Байрам дастурига киритилган янги саҳифалардан бирида хотин-қизларининг замонавий либосларига бағишланган кўриги ҳам бўлиб ўтади...

Шунингдек, байрам дастуридан республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган санъаткорлар, бидийий жамоаларнинг чиқишлари ҳам ўрин олган...

Маямура РЎЗИЕВА ёзиб олди.

Биз ҳам ижодий гуруҳимиз билан ушбу кўтлуғ Аёллар йилида ўтаётган Наврў шодиёналари, уларнинг бадиий қисмлари устида жиддий изланишлар олиб бордик.

Баҳор — табиатнинг уйғониш, яшариш фасли. Шу сабабли ўзингиз кўриб турганингиздек байрам руҳини билдирувчи ранг-баранг паннолар ишланди...

Байрам дастурига намойиш этишда беш мингга яқин киши иштирок этди. Бунда асосан Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақ» Миллий рақс бирлашмаси, «Ўзбекнаво» концерт-гастрол бирлашмаси, пойтахт театрларининг таниқли санъаткорлари, Олий рақс мактаби, Маданият техникуми ҳамда олий ўқув юрти талабалари билан бир қаторда Му-

дофа ва Ички Ишлар вазирликларининг жамоалари қатнашадилар. Шунингдек, бу йилги байрам шодиёналарида мустақиллигимизнинг ўтаётган 8 йиллигида кўлга киритаётган катта ютуқларимиз шубҳасиз ўз аксини топади.

Байрам дастурининг асосий қисми муқаррама аёлларимизга бағишланган бир неча янги саҳна асарларидан иборат бўлиб, уларни «Туркистон алласи» ва «Туркистон буюк аёллари» деб номладик. Бу йил ҳам байрам дастурининг сценарий муаллифи Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бўлиб, уларга мусиқаларни Мустафо Бафоев басталаган.

Маймура РЎЗИЕВА ёзиб олди.

Уй мубораки

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Мухбир кўчасида қад ростлаётган 27 та турар жой биноси фойдаланишга топширилди...

кувончи — бизнинг қувончимиз. Ишни 2 сменада ташкил этганимиз, қурилиш материалларининг ўз вақтида етказиб турилиши меҳнатимиз самарасини таъминлади.

БАЙРАМ КУНЛАРИДА

Хонадон соҳибларига кўшалок қувонч бағишлаганига интилайтган бунёдкорлар фойдаланишга шайланган уйларида охириги юмушларни ҳам тез ва соз ариштиришга шайланган ушбу бинолар қурилишида «Тошўйғоин» корпорациясига қарашли, турар жой бинолари қурилишида муносиб ҳисса қўшиб келётган 159-трест ҳоссадорлик жамиятининг 8-, 9-, 21- ва бошқа кўриш бошқармалари жамоалари ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишди.

аъзоларининг дидига, яшашига мосланган. 32 оилага мўлжалланган 7-«а» ҳамда 7-«б» уйлари лойиҳа асосида тез ва соз қуришда 21-қурилиш бошқармасининг 50 нафардан ортиқ қурувчи жонбозлик кўрсатди. Қўзланган маррага етиш учун ҳар бир бунёдкор ўз маҳоратини ишга солди.

Шунингдек, моҳир қурувчиларнинг тўплаган бой тажрибалари қўл келаяпти, десак янглишмаймиз. Айниқса, бригада сардори Саъдулла Тошев, бунёдкорлардан Ғулум Холматов, Сўҳроб Ҳожимуртовларнинг маҳоратлари ушбу қурилишда ҳам қўл келди. Ердамчи пудратчилар — 1-ва 2-механизация бошқармаси ишчиларининг ҳам хизматлари алоҳида таъкидламоқ жоиз. Чунки улкан бунёдкорлик ишларини жадаллаштиришда техника воситалари ва уни бошқарувчилар ҳам муҳим ҳисса қўшди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОКИМЛИГИДА АЁЛЛАР МАЎФААТИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 27 январда 2-сонли «Уй-жой, архитектура, шаҳарсозлик қурилишида ривож қилиниши устидаги назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган эди. 13 март кунини Тошкент шаҳар ҳокимлигида мана шу қарорни бажариш юзасидан мажлис бўлиб ўтди.

амалга оширилган ишлар намунали деб топилди, тажриба сифатида ўрганиб чиқилсин деган қарорга келинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Аёллар йили муносабати билан аёлларнинг иқтисодий ва маънавий маънавиятини қўллашнинг муҳим қисми бўлиб ўтди.

Бош вазир ўринбосари, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги Бактиёр Хамидов раислигида ўтказилган бу мажлисда қўрилган масала жуда долзарб бўлиб, унинг аҳамияти ва моҳияти қисқа муддат ичида кенг ўрганиб чиқилиб, шаҳарсозлик қонуничилигига риоя этилаётган аҳоли ва юридик шахслар билан алоҳида шўғулланилаётганлигини туман ҳокимлари маълум қилишди.

Бундан ташқари шаҳарнинг санитария ҳолатини яқшилатиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида биринчи ярим йилликда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар кўриб чиқилди. Бу борада биринчи галда Салор анҳорини тозалаш ва атрофини тартибга келтириш, иккинчи галда ахлат тўпланадиган контейнер майдончаларида иккиламчи полиэтилен, шиша синиқларининг алоҳида тўпланиши шарт эканлиги таъкидланди. Учинчи галда хонадонлардан даракларни кесиб чиқариб ташлаш ҳолатини ҳам тартибга келтириш тақдирлари хусусида тўхтаб ўтилди. Сабаби иккиламчи маҳсулотларни бекордан-бекор қанчадан-қанча маблағ сарфлагандан кўра қайта ишланса аҳолига фойда бўлиши ва бюджетимиз ҳисобига маб-

лағ қўшилиши аниқ далиллар асосида айтиб ўтилди. Долзарб мавзуга бағишланган аёлларнинг мажлис қарорига кўра шаҳар қирқини бузиб, ўзбошимчилик билан қўшимча қурилишлар қураётган аҳоли ва юридик шахсларга қарши «Тошбошлойиҳа», «Тошўйғоин», «Тошгипрогор» институтлари, Тошкент шаҳар шахсий уй-жойларни хироба олиш ва назорат қилиш бошқармаси, солиқ инспекцияси, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ва шаҳар суди, ободонлаштириш бошқармаси, «Тошгаз» ва бошқа уй-жой, ер, архитектура ва шаҳар қурилиши бошқармаси мутасаддилари қарор ва фармонларнинг амалга оширилиши борасида масъул эканликлари алоҳида таъкидланди, бу ишларнинг барчасини июль ойидаги ўз низоҳисига етказиш зарурлиги топширилди.

Ийғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий маънавиятини қўллашнинг муҳим қисми бўлиб ўтди. Дастурни амалга ошириш борасида 7 бўлимдан иборат комиссия гуруҳи тузилган бўлиб, гуруҳ раҳбарлари қандай ишларни амалга оширилганликлари ва режалари хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Аёллар йили муносабати билан жойларда турли тадбирлар, семинарлар, учрашувлар ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш мақсадида бюджет ҳисобидан 1 миллиард 200 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Бу маблағ мақдори алоҳида сметалар асосида ҳар чор-қардаги ҳисоб-китобларга кўра қўлайиб бориши мумкин, деб таъкидланди йиғилишда. Ийғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳтамжон Миржалолов олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан бугун Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирелнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бошланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Абдурашит Қодиров Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси этиб тайинланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонидан марказий газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари, Давлат матбуот қўмитаси, Ўзтелевизиокомпанияси ҳамда мамлакатимиз ахборот агентликларининг раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлди. Йиғилишда ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари олдига турган муҳим вазифалар муҳофизат қилинди. Жумладан, февраль воқеаларини матбуотда ёритиш билан боғлиқ айрим масалалар ҳақида фикр юритилди.

Европа парламенти Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни деярли бир овоздан ратификация қилди. Исроил Бош вазири Бенямин Нетаняху Қуддус масаласи буйича Европа Иттифоқи нуктаи назарини рад этди. Ашгабатда «Толибон» ҳаракати вакиллари билан генерал Масуд тарафдорлари ўртасида ўтказилган музокараларда Афғонистонда ўт очилиши тўғрисидаги битимга эришилди. Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер Франция ишлар вазири Юбер Ведрин истрефога чиққан муносабати билан мазкур мамлакатта сафарини бошқа кунга қолдириди. Грузиянинг Тбилиси шаҳрида «Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ХХI аср бўсағасида» деб аталган мавзуда халқаро анжуман ўтказилди. Украина Халқаро валюта фондида ўз бадалини қарийб 93 миллион долларга ошириб уни 693 миллион долларга етказишга тайёр эканлигини тасдиқлади.

Америка авиацияси Ироқнинг шимолы узра навбатдаги ракета зарбаларини берди. Пентагон вакили бу зарбалар ўзини ҳимоя қилиш мақсадида содир этилганлиги тўғрисида баёнот берди. Хитой жорий йилнинг охирига бориб, Вьетнам чегараларига тўташ сарҳадларини ер усти минералдан тозалашни низоҳисига етказишга қарор қилди. Ироқнинг шимолы қисмидаги Дахук шаҳрида жойлашган БМТ ваколатхонаси яқинида портлаш оқиби бўлиб, ушбу қўпурувчилик оқибатида бир киши ҳалок бўлган ва турт киши яраланган. Тбилисда истиқомат қилувчи Сталиннинг 63 ёшли невараси Евгений Яковлевич Жугашвили Грузия Ягона компартиясининг аъзоси бўлди. Бирлашган Араб Амирликларининг пойтахти Абу-Даби шаҳрида туртинчи «ИДЕКС-99» деб аталувчи қуроллар ва ҳарбий техникалар халқаро кўргазмаси очилди. Унда дунёнинг 50 мамлакатига қарашли бўлган 700 та таниқли фирмалар ўз маҳсулотини намойиш этмоқда. «Женерал моторс» ва «Авто ВАЗ» Тольяттида «Опель-Астра» автомобилларини йиғадиган қўшма корхонани ташкил этиш режасидаги ҳужжатни имзоладилар. Мўғулистон БМТга аъзолик бадали тўламагани учун мамлакатнинг ушбу ташкилотдаги доимий вакили вақтинча овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Литва Бош вазири бошчилигидаги ҳукумат делегацияси беш кунлик амалий ташриф билан АҚШга жўнаб кетди. Ушбу ташрифдан кўзда тутилган мақсад Литванинг НАТОдаги интеграцияси истиқболларини муҳофизат қилишдан иборатдир. Индонезия ҳукумати молиявий жиҳатдан иши юришмаётган 38 та миллий банкларни беркитишни эълон қилди. Ҳаво шарарида дунё бўйлаб айланишга чиққан швейцариялик ва британиялик сайёҳлар белгиланган масофанинг ярмини босиб ўтдилар. Ҳаётда нималар ҳам бўлмайди, дейсиз. Мисрлик дехкон, 114 ёшли Фоиш Султон 17 йилли қизга уйланиш режасида эканлигини айтди. Бироқ «кекса қувончин» тўғича ўғли — 80 ёшли Муҳаммад отасининг бу қарорига қарши чиқди. Чунки отанинг бутун меросини «янги ойна»га қолдириш эканлиги маълум бўлган эди. Энди полиция ота-хонинг 45 набаира, 7 ўғил ва қизларини йиғиб, масалани янши томонга ҳал қилмоқчи.

Махсус «Оқшом» учун ТОШКЕНТЛИК САЙЁҲ — ГРЕЦИЯДА Биринчи ўзбек сайёҳи, тошкентлик матонатли ҳамюртимиз Мурод Қосимов дунё бўйлаб уч йиллик сафарини муваффақиятли давом эттириб, ИККИ ГИЛДИРАКЛИ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИ КИЛИШ НАВБАТДАГИ МАНЗИЛ — Греция Республикасининг пойтахти Афинага етиб келди. Бу қадимий ва ҳаммаша ҳазирон шаҳар жамоатчилиги ўзбек сайёҳини жаҳонга юз тутган мустақил Ўзбекистонимизнинг бир вакили сифатида анвойи гуллар, нон-туз билан илқиб қўлиб олишди. Маҳаллий аҳоли билан бўлган дастлабки учрашувлардаёқ суҳбат қилиб, икки мамлакат халқлари ўртасида йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган дўстлик алоқалари ҳақида сўз борди. Мурод Қосимов Грецияда бир ойдан сал кўпроқ вақт давомида бўлиб, тарихий обидалар, зиёратгоҳларга бой бўлган бу мамлакатнинг кўп-ла шаҳар ва қишлоқларига ташриф буюрди. Унинг Афина телевидениесида киёлиши, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан матбуот анжумани ўтказиши режалаштирилган. Эслайтиб ўтамиз: Мурод Қосимов Греция тупроғига қадам қўйганга қадар ўз юрти — Ўзбекистон ҳудудидан ўтиб, Туркманистон, Озарбайжон, Арманистон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони ва Миср Араб Республикасига сафар қилди. Ҳаммаси бўлиб велосипедда салкам 15 миң километр йўл босди. Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.

Оқ-қорани, дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нима-ю сохта ақидалар нимагини, ким пок ниятла художўй инсону ким мунофиқ рижкор эканини яхши биледи.

Ислом КАРИМОВ

Пойтахтимизда рўй берган февраль воқеалари ҳаммамизнинг ёди-мизда. Халқимиз унинг ташкилотчилари ва ижрочиларини ғазаб-нафрат билан қоралади, лаънатлар ўқиди. Албатта, шу муносабат билан ўша манфур кўпуровчилик ҳаракатининг илдизи диний экстремизмга ва ақидапарастликка бориб тақалиши ҳақида ҳам фикрлар билдирилди. Бундай ҳолнинг олдини олиш зарурати ҳақида жамиятимиз турли табақалари вакиллари жон куйдириб гапирдилар.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов «исломни қайта тиклаш шioriдан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар» таҳдиди ҳақида халқимизни муттасил огоҳлантириб ҳушёрликка даъват этиб келмоқдалар. Бундай кучлар айниқса ҳали ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган, дунёқароши шаклланиб улгурмаган ёшларни кўпроқ мўлжалга олаётгани, улардан ўзларнинг қора ниятлари йўлида фойдаланишга уринаётганлари сир эмас. Афсуски, жуда кам бўлса-да ёшлар-

нинг бир қисми улар домига тушиб қолаётганини, уларни ҳатто хорижда кўпуровчилик ҳаракатларига ўқитиб тажриба ортиришга сафарбар қилаётганларининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг кўпчилиги кенг жамоатчилик ёрдамида ўз айбларига иқдор бўлиб, тушунмаганликларини изхор этишди.

да батафсил тўхталиб, ақидапарастлик ва диний экстремизм табиатини чуқур тушунириб берган эдилар. «Фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оммабод, жозибадор, аммо бақироқ ва асоссиз даъватларига кўр-кўрона эргашувчилар ўзгалар иродасининг кучи бўлиб қолишини

қа ва ислом ақидапарастлиги бутунлай бошқа тушунча. Уларни бир-бирига аралаштириб бўлмайди. Мамлакатимизда ислом динининг ҳаётдаги ўз ўрнини эгаллаши учун кўп ишлар қилинди. Юзлаб ва минглаб масжидлар очилди, ислом қадриятларини чуқур ўрганиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Ислом дунёсида мислсиз обрўга эга бўлган бобокалонларимиз номи юксакларга кўтарилди, уларнинг ҳоқиқатлари ётган жойлар муқаддас зиёратгоҳларга айланди. Ҳазрат Имом Бухорий ёдгорлик мажмуига бутун халқ оқими тинмаётгани бунинг ёрқин мисоли эмасми?

Қолаверса, Юртбошимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган «Туркистон-пресс» агентлиги муҳбири саволларига жавоблари ислом дини ва диний қадриятларимиз бундан буён ҳам юксак қадрланаверишини яна бир бор исботлади. Уни ўқиган ҳар бир мусулмон, республикамизнинг ҳар бир фуқароси ўз эътиқодларининг ишончли қафолатидан чуқур мамнунлиқ ҳосил қилиши табиий. Президентимизнинг қуйидаги гаплари бизнингча ҳеч қандай изохга ҳожат қолдирмайди:

«...Биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз шаънига доғ туширмакчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон мурося қилолмаймиз».

Саид ВАЛИЙ.

Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда ДИНУ ДИЁНАТИМИЗГА СОДИҚМИЗ

Лекин жангари ақидапарастлар таъсирида бўлганлар ҳали ҳам йўқ эмас. Февраль воқеалари Юртбошимизнинг огоҳлантиришлари қанчалик тўғри эканини яққол кўрсатди.

Биз таъкидлаган қора кучлар диний ақидапарастлик, экстремизмга қарши халқимизнинг ғазаб-нафратини бошқача йўйишга, уни умуман исломга қарши қаратилган сиёсат деб кўпчиликини ишонтиришга уриниб, турли шов-шувлар тарқатаётганлари ҳам сир эмас. Бу сиёсий муҳолифларимизнинг навбатдаги найрангидан бошқа нарса эмас. Зеро, Юртбошимиз 1997 йили чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» китобидаёқ бу ҳақ-

англашимиз лозим, — деб ёзган эдилар улар ўша китобларида. — Бу даъватлар охир-оқибатда бундай одамларнинг ақлигагина эмас, балки тақдирига ҳам ҳукмрон бўлиб олишини яққол англашимиз, айниқса, ёшларимиз бундан аниқ тасаввур қилиши лозим».

Бу гапларнинг ҳақлигини яна ўша февраль воқеалари тасдиқлади. Бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлган кўпуровчилар худди шундай адашган ёшлар эди-ку!

Халқимизнинг тавқи лаънати бир умрга уларнинг бўйнига тушди. Бир умр шу тамғани кўтариб юришга мажбур бўладиган ўша кимсаларнинг қисмати қанчалик жирканч!

Шунинг учун ҳам ислом дини бош-

МАРОСИМЛАР ИХЧАМЛАШТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 28 октябрдаги Фармони диний ҳаётимизда аниқ мўддо бўлди. Шунинг учун ҳам шаҳримиз аҳолиси уни мамнунлик билан кутиб олди. Бинобарин, ҳозирги бозор шароитларида қилгилар йўллар билан пул топаётган айрим бойваччалар катта-катта тўйлар қилиб хўжа кўрсинга ҳисоб, худойлар қилиб, оддий халқнинг иззат-нафисига тегишлар. Шунга қўра бизнинг «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласида бундай тўй ва маросимларни ихчамлаштириш режаси ишлаб чиқилди.

«Бешик тўйи», «Ақиқа» маросими ва «Суннат» тўйларидан бирини танлаш, бу учта тўйнинг мазмуни битта бўлгани ҳолда ортиқча сарф-ҳаражатга йўл қўймаслик масаласи назарда тутилиб, кўпчилиكنинг тақлифига кўра фақат «Ақиқа» маъқул деб топилди.

Никоҳ тўйи масаласида қиз ўтиришини бекор қилиш керак, деган фикрга келинди. Ортиқча харажат ўрнига тажрибали, оиласи мустаҳкам, пиру-бадавлат онахонларимиз эртага никоҳ тўйи бўлаётган келинга панду насихат қилиб, янги кураётган оилани қандай идора этишни тушунтириш билан бирга қайнота ва қайнонани ўз онасидек эъзозлашини, умр йўлдошини қандай ардоқлашни келинга тушунтириш мақсадга мувофиқ иш бўлади.

Шунингдек, никоҳ кечаси дастурхонга спиртли ичимликларни

қўймаслик, ансамбль қақриб ети маҳаллалик бошқа кўтариш ўрнига миллий чолғу асбоблари билан мумтоз куй-қўшиқлар ижро этилиши маъқул қўрилди. Бундан ташқари ҳайит ўтказиладиган келинчакнинг ота-онаси 30-40 тоғора пишириқлар юбормасдан, балки тоғоралар 10 тадан ошмаслигига келишилди.

Мотам масаласида шуки, марҳум вафотидан тўрт кун ўтгандан сўнг, мотам бекор қилинади. Марҳум хонадониди пайшанба, якшанба кунлари одам қақриб, худойи қилиш, Қуръон ва Ҳадиси шарифда айтималарини учун тавсия этилмайди. Хонадон аъзолари шу кунлари бирор таом тайёрлаб, еб-ичганларидан сўнг Қуръон оятларидан бир калима ўқиб бахшида этсалар кифоядир.

Эгамназар хожи ҚОДИРОВ, «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласининг фахрий оқсоқоли.

«Ташаббус — 98»

ТАДБИРКОР ВА ХУНАРМАНДЛАР МАҲОРАТИ НАМОЙИШИ

Ташаббуснинг қаноти бор, дейишади. Шу боис бўлса керак мамлакатимизда 3 йилдан буён анъанавий равишда тадбиркор ва хунармандлар иштирокида ўтказиб келинаётган «Ташаббус» танлови кенг қулоқ ёзиб, уларни барчага танишмоқда, энг муҳими, ўрта ва кичик бизнесни янада ривожлантиришга, сифатли ва рақобатбардош, импори ўрничи босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлидаги изланиш ва интилишларга ундамоқда.

Тадбиркорлик ва халқ хунармандчилигини ривожлантириш, пойтахтнинг энг яхши тадбиркорлари ва хунармандларини аниқлаш, уларнинг касб маҳоратлари ва тажрибасини оширишга ҳамкорлик қилиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун Республикаимиз тадбиркорлар ва хунармандларининг «Ташаббус-98» танлови миқёсида Тошкент шаҳар ҳокимининг соврини учун танловнинг шаҳар босқичини ўтказиш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлагановнинг 1999 йил январь ойида қабул қилган қарорига мувофиқ пойтахтнинг ҳар бир туманида ушбу танлов кўтаринки руҳда ўтказилди.



Пойтахтимизда ҳам иқтисодиётимизни юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшаётган тадбиркорлар, халқ амалий санъатини жаҳонга кўз-кўз қилаётган қўли гул хунармандлар кўплаб топилди. Кўни кеча шаҳримиздаги «Зарафшон» ресторани концерт залида Тошкент шаҳар ҳокими соврини учун бўлиб ўтган «Ташаббус-98» танлови бундан бир бор исботлади. Танловда шаҳримиз туманларидаги «Энг яхши тадбиркор» ва «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлган голиблар ўзаро беллашди. 11

нафар тадбиркор ҳамда 9 нафар хунарманд иштирок этган ушбу танловда қатнашчилар томонидан ишлаб чиқарилган ҳамда тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам намоиш этилди. Улар орасида ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилаётган «Растр» Ўзбекистон-Британия, импорт ўрничи босувчи гул-қоғозлари билан қурилиш учун зарур маҳсулот етказиб бераётган «Империал» Ўзбекистон-Англия-Туркия қўшма корхоналари, кичик ва хусусий корхоналар учун дастгоҳлар ишлаб чиқараётган «ПГС»



ишларининг келажакига ишондилар. Ниҳоят, голиблар эълон қилинганда зал уларни гудурас қарсақлар билан олқишлаб турди. Чилонзор туманидаги «ПГС» хусусий фирмаси директори Полянте Свешников «Энг яхши тадбиркор» ҳамда шу тумандан ёғоч ўймакорлиги устаси Акмал Азларов «Энг яхши хунарманд» номини олиб, республика танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Голибларга «Тико» автомобильнинг қалитлари топширилди. Иккинчи ўринни Мирзо Улуғбек туманидаги «Коагулянт» хиссадорлик жамияти ҳамда ёғоч ўймакори устаси Ортиқ Файзуллаев, учинчи ўринни Миробод туманидаги «Катрис» хусусий фирмаси ва Сергели туманидан миниатюрочи рассом Шорасул Шоҳмедовлар эгаллашди. Уларга қимматбах соғвалар топширилди. Албатта, бундай тадбирлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам қимматлидир. Шу боис ҳам биз танлов иштирокчилари ва томо-

• **Фарида АБДУРАХИМОВА, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси:**
— Бугун танловда қатнашган пойтахтнинг тадбиркор ва хунарманд аёлларини кўриб дилмишайради. Чиндан ҳам аёлларимиз фидойи, интилувчан, масъулиятни чуқур ҳис эта олишларидан фахрланасак арзийди. Албатта, биз келгусида тадбиркор ва ишбилармон аёлларимизга етарлича шароитларни яратимиз, уларнинг сафини кенгайтиришга эътибор беришимиз зарур. Шу боис ҳам Аёллар йилида «Энг яхши тадбиркор аёл» танловини ўтказишни режаляб туришимиз.

• **Акмал АЗЛАРОВ, «Энг яхши хунарманд»:**
— 12 ёшдан бошлаб ёғоч ўймакорлиги хунари билан шуғулланиб келаман. Бу шунчаки қизиқиш эмас, албатта. Мен доимо устозлар ўғитига амал қилдим, қўлларим кучи ва сеҳрига ишондим. Бугунги муваффақиятим учун устозларим Сайдазим Қосимов (Мархум) ҳамда Ўзбекистон



шабинларнинг фикри билан қизиқдик.

• **Зухра САЙДАМИНОВА, «Зухро» хусусий фирмаси раҳбари:**
— Ўйлайманки, танловда ҳеч ким ютказмади. Барча иштирокчилар ўз ютуқларидан фахрланди, чунки улар азиз она-Ватанимиз — Мустақил Ўзбекистонимиз равнақиға муҳим ҳисса қўиш, уни жаҳонга танитиш орузси билан яшашмоқда...

Танлов ҳақидаги яхши фикрлар кўп бўлди. Энг асосийси, ушбу танлов тадбиркор ва хунармандларини янада яхшироқ, самаралироқ ишлашга, изланишга илҳомлантирди. Ана шу илҳом уларни эзгу ишларга ундаши шубҳасиз.

Танловда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Атхамжон Миржалилов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Равшан Пулатовлар иштирок этишди.

Тадбир сўнгида барча иштирокчилар рағбатлантирилди.

Шарифа ИЛЁСОВА, СУРАТЛАРДА: «Ташаббус-98» шаҳар танловидан лавҳалар. Рустам Шарипов олган суратлар.

Тошкент шаҳар фаоллари йиғилиши ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Маълумки, инсон учун энг қимматли ва баҳоқарсиз нарса, бу — соғлиқ, саломатликдир. Халқимиз бежиз «Саломатлик — туман бойлик» деб айтмайди.

Бевосита аҳоли турар жойларида, айниқса маҳаллаларда истикомат қилаётган аҳолини жисмоний тарбия, спорт, соғломлаштиришга жалб этиш, айнан жисмоний тарбия ва спорт орқали ёшларимизнинг онгини шакллантириш мақсадида яқинда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига келинган «Тошкент шаҳрида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисида»ги жуда муҳим ва долзарб қарори чиққан эди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида туманлар ҳокимлари ўринбосарлари, шаҳар халқ таълими, соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, «Камолот» жамғармаси раҳбарлари, маҳаллалар оқсоқоллари, шаҳримиздаги спорт мактаблари директорлари иштирокида ўтган фаоллар йиғилиши ҳам айнан ана шу долзарб мавзу — қарорға мувофиқ равишда пойтахтда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш йўлига қўйиш масалаларига бағишланди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров олиб борди.

Дастлаб шаҳар спорт кўмитаси раиси С. Пулатовнинг кейинги пайтларда пойтахтда спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантириш доирасида қилинаётган юмушлар, қўйи жисмоний тарбия жамиятларидидаги аҳвол, жойларда жисмоний тар-

бия ва оммавий спортни кучайтириш йўлидаги эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар тўғрисидаги маърузаси тингланди. Кейин сўзга чиққан шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Х. Йўлдошев, Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Р. Султонов, республика Давлат спорт кўмитасининг раиси Б. Маҳситов ва бошқалар шаҳарда жисмоний тарбия ва спортни жонлантириш, бекорчи ёшларни оммавий спортга жалб этишининг йўллари, қарорда белгилангандек ҳар чоршанбада югуриш, ҳар якшанбада маҳалла спорт кўни ўтказишни ташкил қилишининг самарали томонлари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қизгин амалий руҳда ўтган йиғилишда бу борадаги мавжуд муаммолар ҳам тилга олинди, уларни ҳал этишининг йўллари биргалликда изланди, туман ҳокимликлари ва спорт кўмиталарининг раисларига 27 мартга қадар шаҳримиздаги ҳар бир маҳаллада югуриш ва маҳалла спорт кўнларини уюшқоқлик билан ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Шу йилнинг 1 апрелидан эътиборан жойларда югуриш ва маҳалла спорт кўнларини бошлашга келишиб олинди.

Тошкент шаҳри туманлари ўртасида аҳолини соғломлаштириш ва оммавий спортни ривожлантириш бўйича кўрик-танлов НИЗОМИ

1. Кўрик-танловда Тошкент шаҳридаги барча туманлар иштирок этиладилар. Кўрик-танлов 1999 йил 1 апрелдан 1 декабрга қадар ўтказилади.
2. Кўрик-танловга яқун ясаида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади:
 - туман аҳолисининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этилиши;
 - туман аҳолисининг умумшаҳар «Югуриш кўни»га жалб этилиши;
 - аҳоли турар жойларида «Маҳалла спорт кўни»да спорт мусобақаларининг ташкил этилиши;
 - туман вакилларининг шаҳар, республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этиши;
 - тумандаги спорт иншоотларининг миқдори ва уларнинг ҳолати, янги спорт иншоотлари қурилиши.
3. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бири 10 балли тизим бўйича баҳоланади. Юқоридида қайд этилган кўрсаткичлар бўйича энг кўп балл тўплаган туман шаҳар кўрик-танловнинг голиби деб топилди. Икки ёки ундан кўп туман баллари бир хил бўлган тақдирда кўрик-танлов голиблиғи туман аҳолисининг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга жалб этилишига, «Югуриш кўни» ва «Маҳалла спорт кўни»даги иштирокига қараб аниқланади.
4. Шаҳар кўрик-танловда голиб деб топилган туман жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси «Дамас» автомашинаси билан мукофотланади.
5. Туман ҳокимликлари 1999 йил 10 декабрга қадар шаҳар кўрик-танлови ҳайъатиға кўрик-танлов шартлари бўйича маълумотларни тақдим этишлари лозим. Кўрик-танловга 1999 йил 25 декабрда яқун ясалади.

Воқеа арафасига

КУРАШЧИЛАРИМИЗ «МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ»ГА ШАЙ!

Кураш Ўзбекистонда энг ривожланган спорт турлари қаторига кириadi. Хусусан республикамиздан эркин ва юнон-рум кураши бўйича қўлбел нуфузли халқаро турнирлар ўтказиб...

Шаҳримизда бўлажак жаҳон ва Осиё чемпионатлари, Олимпиада ўйинлари олдидан эркин ва юнон-рум кураши усталаримиз учун жуда катта маҳорат мактаби асосини ўтовчи...

Мазмуржон Ахмедович, айтинчи, республикамиз эркин кураш усталари 19-21 мартда Тошкентда ўтказилган «Мустақиллик Кубоги»га қандай тайёргарлик кўришди?

Биз қатнашган охириги мусобақалар ўтган йили Таиланднинг Бангкок шаҳридаги Осиё ўйинлари турнири эди. Яқинда Киевда ўтказилган «Гран при» русумидаги халқаро турнирда етти курашчимиз «Мустақиллик Кубоги»га тайёргарликнинг охириги босқичи сифатида иштирок этишди...

Киевдаги мусобақаларда Георгий Кайсинов кумуш нишон соҳиби бўлди. Талгат Илёсовга туртинчи ўрин nasib эди. Жамоа манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида эмас, 76 килограммликлар ўртасида бахшланган яна бир курашчимиз Игорь Купеев ҳам кучли олтиликка кирди. Рамил Исломов ҳам шундай натижага эришди...

дайдикторли ёшларимиз ўсишини ўйлаб, ҳозир асосий эътиборни ўсмирларга қаратилми. Зеро, улар эртанги чемпионларимиздир.

«Мустақиллик Кубоги» халқаро турнирида қайси давлатлар курашчилари иштирок этади?

Ушбу мусобақаларга жаҳон мамлакатларида қизиқиш тобора ортиб бораётганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Бу гал шаҳримизга Россия, Канада, Македония, Греция, Болгария, Эстония, Молдова, Беларусь, Украина, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Германия, Польша, АКШ, Киргизистон, Козогистон, Туркменистон, Эрон, Туркия каби ўлтизга яқин давлатларнинг спортчилари ташриф буюради.

Улар орасида Россия, Эрон, АКШ, Канада, Туркия, Болгария, Германия курашчилари етакчилардан ҳисобланади ва ўйлаймизки, республикамиз

терма жамоаси ҳам ушбу командалар билан умумжамоа ҳисобида голиблик учун баҳс юритади.

Турнирда юртимиздан қанча курашчи қатнашади ва улар орасидан галаба учун даъвогар бўлган энг кучлилари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

Жами еттига вази тоифасида 25 нафар кураш усталаримиз беллашади. Хусусан, 54 килограмм вазида Аҳмад Аҳмедов ва Эркин Тожимов, 58 килограммликлар ўртасида — Дамир Захаридинов ва Маис Ибодов, 63 килограммда Рамил Исломов ва Музаффар Абдурахмонов, 69 килограммликлар ўртасида — Талгат Катинасов ва Руслан Ханчагов, 85 килограммда — Шерзод Абдувалиев ва Раул Катинасов, 97 килограммда Сослан Фраев, энг оғир вазида эса Вадим Долженко ҳамда Георгий Кайсинов каби курашчиларимиз совринли ўринлар учун кураш олиб боради.

Ушбу курашчилар 1998 йилдаги мусобақаларда ўзини яхши кўрсатган энг иқтидорли спортчиларимиздир.

Айниқса, ўтган йили Бангкокда ўтказилган Осиё ўйинлари ҳамда жаҳон чемпионатининг кумуш совриндори, 1996 йилги Осиё чемпиони, Эронда ўтказилган жаҳон Кубогининг соҳиби, Ешлар ўртасида Грецияда жаҳон чемпиони бўлган халқаро тоифадаги спорт устаси Рамил Исломов, 1993 ва 1995 йилларда ўтказилган жаҳон чемпионатларининг бронза нишонлари соҳиби, Жаҳон Кубоги совриндори, ешлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё чемпиони, «Мустақиллик Кубоги» мусобақалари голиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Руслан Ханчаговлардан умидимиз катта.

Шунингдек, юнон-рум ва эркин кураш бўйича Россия чемпиони, Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари голиби, 50 килограмм вазида эга Дилшод Мансуров кейинги пайларда жуда тез ўсмоқда. Дилшод кейинги олимпиадада олтин нишон соҳиби бўлиши мумкин бўлган энг умидли спортчиларимиздан эканлиги сабабли у билан катта тайёргарлик ишларини олиб бораёмиз.

Усмирлар ўртасида АКШнинг Лас-Вегас шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида бешинчи ўринни эгаллаган, Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларининг кумуш совриндори бўлиши 17 йил Музаффар Абдурахмоновдан ҳам умидларимиз катта.



Турфа олам

ОДАМ САВДОСИ АВЖИДА
Хар йили Германияга яширин равишда 200 ми-
нган яқин муҳожирав келтирилади. «У ёки бу
мақсад одам савдоси билан шуғулланувчи энг
тез ва кўпайиб боради. — дейди Гамбург поли-
цияси бошлиги Эрст Урлаш. — Бу тақдирда ба-
раверса, тўғридан-тўғри сотувчиларнинг ҳам
ошиб кетади».

Ўтган йилнинг ўзида ГФРнинг шарқий ва
шимолӣ районлари ҳуқуқни муҳофаза қилув-
чи органларининг бир неча ҳамкорлик акция-
лари ўтказилиб, одам савдоси орқасидан
бойбўтган бандлар қўлга олинди. Гамбургда
афғонистонлик Халил Раҳимий ва унинг 22 на-
фар шериклари ҳибсга олинган. Улар Олмо-
нияга 600 га яқин кишини олиб келишган.
«Одам тўплаш» лагерлари Москва, Киев ва Ми-
нскада ташкил этилган. Банд бошлигининг кун-
лик даромади ўн минг долларни ташкил этар-
кан. Ясама ва сотиб олинган визалар билан
олиб келинаётган одамлар турли хил ишларга,
машина ўғирлаб қочиш, ўғирланган нарсалар-
ни пуллашга ва ҳокзога ишларга мажбур қили-
нар, бунинг эвазига уларга арзиманган ҳақ тў-
ланади.

Германия полицияси 40 ёшли Андреас де-
ган кишини ҳам қўлга олган. У Шарқий Евро-
па мамлакатларидан қизларни олиб келиб, ма-
ҳаллий сутенёрларга топшираркан. Баден Вюр-
тембергга ана шундай 3 та гуруҳ ҳибсга олин-
ган.

ЎН ТўРТ ЁШЛИ МИЛЛИОНЕР
Англиялик Том Уорли ҳақидаги атомани-
налар аниб-сотинди ўз кучи билан маълум тула-
ган дунёда энг энг миллионердир. Унинг тузган
шартиномалари 8 миллион фунт стерлингни таъ-
кил этади.

Хозир Томнинг қийим жавони энг зўр мо-
дельерлар тиккан қийимлар билан тула. У ўзи-
нинг мобил телефони ҳамда унинг хоҳишига
қўра ҳар қуни турли марказдаги машиналарда
шаҳар бўйлаб олиб юрүвчи шахсий хайдовчи-
сига эга. Унинг бандадаги шахсий ҳисоб рақа-
мида тўлганган маблага 1 миллионга етай деб
қолган.

МАРТИН БОРМАН ЎЛГАНЛИГИ
РОСТМИ?
Швейцарияда Халқаро трибунал 1946 йил 1
октябрда Адольф Гитлернинг шахсий қотиби Мар-
тин Борманни олий жазага, яъни осиб ўлдиршга
ҳукм қилган эди.

Бирок бу ҳукм ижро этилмади қолган, саба-
би уни топширилмаган. Узунқулоқ гапларга қа-

Дилшод ИСРОИЛОВ
суҳбатлашди.
СУРАТЛАРДА: ку-
рашчиларимиз «Муста-
қиллик Кубоги» баҳсла-
рида.
Рашид Галиев олган
суратлар.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси 1999 йилнинг 16 апрелида соат 10.00 да танлов ўтказди.

Тошкент шаҳрида жойлашган «Тошнефтмаҳсулот» корхонасига қарашли бўлган 13 (манзили Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, «Роҳат» қўли, бошланғич нархи 3 325 751,0 сўм) ва 47 (манзили Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Улуғбек қишлоғи, бошланғич нархи 1 646 399,0 сўм) — сонли ёқилғи қуйиш шохобчалари танлов асосида савдога қўйилади.

Танловда иштирок этиш ва барча зарур маълумотлар юзасидан Тошкент шаҳар, А. Қодирий кўчаси, 13-уй, Давлат мулкини бошқариш ва таъбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, 2-қават, 33-хонасига мурожаат қилишингиз мумкин. Тел.: 144-60-51.

ТАНЛОВ САВДОСИГА ШОШИЛИНГ!
Танлов шартлари:


- 1. Сотиб олинган кундан бошлаб 3 йил муддат ичиде сотиш ҳуқуқисиз сотиб олинган АЁҚШни-
нг фаолият ихтисосини сақлаб қолиш.
2. АЁҚШни сотиб олган сотиб олувчининг ху-
сусий АЁҚШлар уюшмасининг аъзоси бўлиш маж-
бурияти.
3. АЁҚШни 3 йил муддат мобайнида махсус
ишлаб чиқилган дастур бўйича босқичма-босқич
эстетик маданий хизмат кўрсатиш, кўрсатила-
диган хизматлар соҳасини кенгайтириш хусусида
жаҳон андозаларига етказган ҳолда қайта жи-
ҳозлаш мажбурияти, бунда олинмаган соф да-
роматнинг 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорини
кўрсатилган муддатларда шу мақсадларга қўйиш.
4. АЁҚШнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш,
шунингдек қуйидагиларга риоя қилиш ва бажари-
ш:
* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-
масининг 1994 йил 09.06 даги 290-сонли қарори
билан тасдиқланган «Хусусийлаштирилган ху-
сусий АЁҚШларнинг иши тўғрисидаги муваққат
Низом (Қондаси)»ни;

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-
масининг 1998 йил 07.09 даги 382-сонли «Тошке-
ниш шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъмин-
лашни яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғриси-
да»ги қарорининг талабларини;

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-
масининг 1998 йил 18.09 даги 397-сонли қарори
билан тасдиқланган «Нефть маҳсулотларини со-
тиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) олиш учун
ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлашти-
риш тартиби»ни;

- 5. Санитария-маиший, ёнғинга қарши ва эко-
логия талабларини таъминлаш;
6. Нархни тақдим этиш;
7. Ёқилғи қуйиш шохобчасининг дизайн кўрини-
шини таъминлаш ва йил мобайнида жаҳон андо-
заларига мувофиқ техник қайта жиҳозлаш;
8. Аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатиш (мойни
алмаштириш пунктлари, автомобилларни қисман
таъмирлаш пунктлари, автомобилларга эҳтиёт
қисмларни сотиш бўйича минимаркет ва шу ка-
билар).
9. Аҳолига юқори маданий хизмат кўрсатишини
таъминлаш;
10. Аҳолини юқори сифатли ёқилғи-мойлаш ашё-
лари (бензин, дизель ёқилғиси, мойлар) билан тўх-
товсиз таъминлаш.
11. Ёқилғи қуйиш шохобчаси атрофидаги ху-
дудни санитария ва ёнғин меъёрларига мувофиқ
ҳолатда сақлаш ва ободонлаштириш.
12. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва
уларга тенглаштирилган шахсларга имтиёзли хиз-
мат кўрсатиш.


ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ҚўЛДАН БЕРМАНГ!



тўлаган ҳолда ушбу мукофотлар-
дан бирининг соҳиби бўлишингиз
мумкин.

Ютуқлар тиражида электр қув-
вати учун тўловлар бўйича қарзи
бўлмаган маиший истеъмолчилар-
нинг шахсий ҳисоб рақамлари қат-
нашади.

Сизнинг лотерея билетларини
харид қилиш учун пул сарфлашин-
гизга ҳожат бўлмайди.
Сиз электр қувватидан фойда-
ланганлик учун ҳақини ўз вақтида



Маълумотлар учун
телефонлар:
133-82-037, 136-60-32.
Электр қувватидан
фойдаланганлик
ҳақини ҳар ойда
тўлашни унутманг!

Тошкент шаҳар электр
тармоқлари корхонаси.

Фурқат кўчасида жойлашган «ТОШКЕНТ-ВИЛЬНЮС» супермаркети танлов асосида:

- Кассирлар (18-30 ёшли қизлар);
— Сотувчи — маслаҳатчилар (18-30 ёшли қизлар)ни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Қуйидаги манзилга
мурожаат қилинг: Тошкент
шаҳри, Миробод тумани,
Олтинқўл кўчаси, 2-тор кўча,
115-уй. Кадрлар бўлими.
Телефон: 191-91-18.



Хориж матбуоти асосида
Мирзаали АКБАРОВ тайёрлади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий
бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд
кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни,
никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз
саҳифаларида ёритади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар қуни соат 9.00
дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон:
133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ:
МАТБУОТЧИЛАР
КўЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32
Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаси»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишингиз
мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.